



**Муяссар БАЛТАБАЕВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
Илмий-методик ва тадқиқот хизмати бош мутахассиси**

“КИТОБХОНЛАР КЛУБИ” – МУТОЛААНИ ОММАЛАШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

In pursuance of the decree of the President of the Republic of Uzbekistan №PP-3271 dated September 13, 2017 “On the program of Comprehensive Measures for the Development of the System of Publication and Distribution of Book Products, improving the Culture of Reading” special attention is paid to continuing the reading traditions of our people, raising the reading culture of the population, especially the youth.

The article describes the meaning and role of the “Club of readers” of information and library institutions in popularizing and promoting the culture of reading.

Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатлар бугунги кунда соҳа ривожига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, комил инсон тарбиясида улкан аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилияпти.

Сўнгги пайтларда замонавий ахборот-кутубхона муассасаларининг жамиятда тутган ўрни ва ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти ортиб бормоқда. Бугунги кунда ахборот-кутубхона муассасаларига фақат ахборот маркази нуқтаи назаридан қараш чегараланган ва бир томонлама ёндашишга олиб келган бўларди. Аслини олганда, унинг имкониятлари жуда кенг. Кўпинча ахборот-кутубхона муассасалари китоб ва китобхонликни оммалаштиришни самарали тарғиб қилувчи аҳоли оммавий ва маданий ҳаётининг бир бўлаги бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, бўш вақтни мазмунли ўтказиш функцияларининг ўрни сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу вазифаларни амалга оширишда кўпинча ахборот-кутубхона муассасаларида фаолият юритувчи турли клублар ва тўгаракларнинг аҳамияти катта. Булар ахборот-кутубхона муассасасининг ишига фаол ижобий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Ҳаммага маълумки, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилишда ахборот-кутубхона муассасаларининг роли жуда катта ҳисобланади. Бунга мисол сифатида ахборот-кутубхона муассасаларида ташкил қилинадиган маданий-маърифий тадбирлар: шоир ва ёзувчилар билан ижодий учрашувлар, янги келиб тушган китобларнинг тақдимотлари, адабий-бадиий, мусиқий, театрлаштирилган кечалар, китобларнинг библиографик шарҳлари ва ҳоказолар эътиборга молик. Умуман олганда, ахборот-кутубхона муассасаси оммавий фаолиятининг асосий мақсади ҳам китоб ва мутолаани тарғиб қилиш, ахборот-кутубхона фондини ёритишдан иборатdir.

Ахборот-кутубхона муассасаларида ташкил
қилинадиган “Китобхонлар клуби”нинг аҳамияти





хам муҳим ҳисобланади. “Китобхонлар клуби”-нинг асосий мақсади – аҳоли, айниқса ёшларнинг шахс маданияти шаклланиши, таълим олиши, ижодий қобилиятларининг ўсиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун бадиий жиҳатдан юксак миллӣ ва жаҳон классик адабиётларини мутолаа қилишга қизиқтириш, эътиборини жалб қилиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш ва ошириш, шунингдек, чет тилларини ўргатиш ва оммалаштириш, аҳолининг кам мутолаа киласиган гурухлари ўртасида турли шакл ва воситалар билан китоб мутолаасини тарғиб қилишдан иборат.

Клубнинг вазифалари эса оммавий тадбирлар тизими орқали иштирокчиларининг қизиқишлирини ўрганиш ва эҳтиёжларини қониктириш мақсадида янги келиб тушган адабиётлар, даврий нашрлар тўғрисида ахборот бериб бориш, умумий қизиқишлир ва бўш вақтни мазмунли ўтказиш бўйича мулоқотлар учун имкониятлар яратиш, китобхонанинг маънавий-маърифий тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказишdir.

“Китобхонлар клуби” жуда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Бир томондан клублар фаолияти китобхонларга ўзида ишонч пайдо бўлишига, жамиятда ўзини намоён қилишга кўмаклашади. Клубларда ўзаро мулоқот тажрибаси ўзлаштирилади, ўзгалар фикрини хурмат қилиш, кези келганда сабр-тоқат ва масъулият хисси шаклланади. Иккинчи томондан клублар ахборот-кутубхона муассасасининг мустаҳкам ижтимоий негизга эришишига, китобхонларнинг қизиқишлири ва бўш вақтини мазмунли ўтказишнинг имкониятларини кенгайтиришга йўл очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва республикамиздаги ахборот-кутубхона муассасаларига аҳолини, айниқса ёшларни фаол жалб этиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллӣ кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Касб-хунар таълими марказининг қўшма қарори асосида “Китобхонлар клуби” ташкил этилган. Бу фаолият нафақат китобсеварларни ахборот-кутубхона муассасасига жалб қиласи, балки китоб-расмли кўргазмалар, бадиий-мусиқий кечалар, китоб байрамларини ташкил қилишда клуб аъзоларининг беғараз кўмаги асқотади. Айнан ахборот-кутубхона муассасаси кўпгина фойдаланувчиларнинг ижодий интилишлари ўсишига туртки бўлади.

Ахборот-кутубхона муассасасида клуб фаолиятини йўлга кўйиш учун ишни нимадан бошлаш керак? Авваломбор, барча қизиқувчиларни жалб қилиш мақсадида клуб мақсади ва вазифаларини кенгрок ёритган ҳолда хабардор қилиш учун ахборот плакатларини осиш, ҳар бир кишига алоҳида таклифномаларни тақдим қилиш керак бўлади. Китобхонларнинг умумий қизиқиши ва қарашларини ўрганиш учун социологик тадқиқотлар ўтказилиши лозим. Анкета сўровномалари натижаларини ўрганиш эса уларнинг мақсад ва интилишларини аниқлашга кўмак беради.

Клубга ёши, маълумоти, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар барча хоҳловчи китохонлар аъзо бўлиши мумкин. Клуб ўзининг эмблемаси, паспорти, иш режаси, тадбирлар кундалиги, клуб аъзолари картотекаси асосида иш юритади.

Клубнинг биринчи йигилиши ташкилий мазмунда бўлиб ўтади. Умумий йигилишда клуб аъзоларидан сайланган Кенгаш ташкил қилинади. Кенгаш аъзоларидан эса раҳбар тайинланади. Раҳбарнинг вазифаси – клубнинг асосий мақсади, клуб аъзолари машғул бўладиган вазифалар тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришидир. Шу ўринда, клуб аъзолари вазифаларнинг асосий қисмини ўзлари бажариши алоҳида қайд этилиши керак. Кўп ҳолларда кутубхоначи ташкилотчи ва маслаҳатчи вазифасини бажаради. У

ташкилий машғулотларни ўтказади, бошқа барча йиғилишларнинг тайёргарлик ишлари ва уларни ўтказишга ёрдам беради. Ўтказиладиган учрашувлар ва машғулотлар мавзуси бўйича адабиётларни танлаб беради ва тавсия қиласди.

Умуний йигилишда клубнинг низоми билан барча аъзолар таништирилади ва у асосида фаолият юритиш тушунтирилади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, клубнинг низоми унинг аъзолари ва ахборот-кутубхона муассасаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда тузилади ва тасдиқланади. Низомда клубнинг мақсади, вазифалари, клуб ишининг йўналишлари, унинг аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари акс эттирилган бўлиши лозим. Клуб паспортида эса ташкил этилган сана, номи, йўналиши, раҳбари, аъзолари сони, манзили, маълумот учун телефонлар, электрон почта ва бошқа маълумотлар кўрсатилади. “Китобхонлар клуби” режаси эса клуб ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида муайян даврга, масалан, йиллик тузилиши мумкин. Унда тадбирларнинг номи, ўтказилиш муддати (йил чораги ёки ой), масъул шахс ва бажарилиши тўғрисида қайдлар кўрсатилиши мумкин. Кундаликда бажарилган ишлар, ўтказилган тадбирлар тўғрисида маълумотлар ёзиб борилади. Клуб аъзоларининг картотекаси юритилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Картотекада аъзоларнинг нафакат фамилияси, исми, шарифи, балки уларнинг уй манзили, электрон почтаси, иш жойи ҳам қайд этилади. Ахборот-кутубхона муассасасининг ахолига хизмат кўрсатиш қамровига қараб бошқа зарурий хужжатлар ҳам юритилиши мумкин.

Клубни ташкил этишда рамзий белгилар катта аҳамиятга эга. Шунинг учун клубнинг номи, эмблемаси, шиори бўлиши керак. Клубнинг асосий фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда унга ном бериш мумкин. Масалан, “Китобсеварлар клуби”, “Мутолаа вақти” ва ҳоказо. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, эмблема клуб йўналишининг тасвирий ифодасини, шиор эса клубнинг асосий гоясини акс эттиради. Клубнинг шиори бўлиши ҳам ўз самарасини кўрсатади. Булар: “Биргаликда ўқиймиз”, “Китоб комилликка етаклайди” кабилар бўлиши мумкин.

Клубнинг ҳар бир йиғилиши олдингисидан нафақат мазмунан, балки ўтказилиш шакли билан ҳам фарқ қилиши керак. Улар муҳокамалар, мунозаралар, танловлар, бадиий ва мавзули кечалар, шоир ва ёзувчилар, илм-фан вакиллари билан учрашувлар, китобларнинг шарҳлари, адабий викторина кабилар бўлиши мумкин. Ҳар бир йиғилишга китоб қўргазмалари, давра сухбатлари, библиографик шарҳлар, тавсия рўйхатлари тузилиши мумкин.

Клуб йиғилишларини ўтказишнинг энг кўп учрайдиган шакллари бу адабий, адабий-музиқий, шоир ва ёзувчилар, илм-фан, маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашувлардир. Булар миллий ва жаҳон адабиёти намуналарини тарғиб қилишга, фойдаланувчилар билан ишлашга, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга, эстетик маданиятини оширишга имкон беради.

Ахборот-кутубхона муассасаларининг китобхонлар клуби фаолияти аъзоларнинг мутолаа маданиятини оширишга, билим орттиришга, ба-



дийи-ижодий фаолиятининг ўсишига, жамоавий ишлашга ва нутқ маданиятининг шаклланишига кўмак беради. Клуб иши самарали йўлга қўйилса, ўзига хос фойдаланувчилар, яъни адабиёт, мусиқа, тарих билимдонлари шаклланишига олиб келади. Клуб аъзолари ахборот-кутубхона муассасасига келиб тушган янги адабиётлар, даврий нашрлар билан биринчилардан бўлиб танишиш имкониятига эга бўладилар. Эркин, оддий мулоқот эса ҳар бир клуб аъзосида ўзига ишончнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу ерда ёш ижодкорлар ўзларининг илк ижод маҳсулларидан бошқалар билан баҳам кўришга имконият яратилади. Бу ўз ўрнида улар учун синов майдончаси вазифасини ўтайди. Шунингдек, клуб аъзолари ўзлари ўқиб чиққан адабиётлар тўғрисида таассуротларини гапириб бериши, ўзаро фикр алмашиши ва энг яхши китобларни ўқишни тавсия қилишлари ҳам мумкин.

Клуб ишининг даврийлиги бир ойда камида бир марта ни ташкил қилиши мақсадга мувофиқ. Клуб йигилишларининг жойи эса имкон қадар битта жойга, яъни ахборот-кутубхона муассасасининг муайян ўқиш залига ва аниқ белгилаб олинган хафта куни (масалан, шанба куни) га белгиланиши яхши самара беради.

Шуни эътиборга олиш керакки, клуб аъзоларининг сони ҳар доим ҳам барқарор бўлмаслиги мумкин, яъни клуб аъзолари сони янги аъзо бўлғанлар хисобига мунтазам ортиб туриши ёки аксинча кимдир ўз хоҳиши ва шароитлари тақозо килганда клуб аъзолигидан чиқиши мумкин.

Клуб фаолияти нафақат унинг аъзолари учун балки ахборот-кутубхона муассасасининг ҳар бир фойдаланувчиси учун ҳам очиқ бўлишини кўзда тутиш лозим. Бунинг учун клубнинг тарихи, янгиликлари, дастурлари ва рамзий белгилари акс эттирилган ахборот бурчакларини ташкил этиш керак бўлади. Клуб аъзолари томонидан бурчакка кўйилган кўргазмали материаллар – альбомлар, китоб-расмли кўргазмалар ва бошқа тадбирлар тўғрисидаги маълумотлардан ахборот-кутубхона муассасасининг барча китобхонлари фойдаланишлари мумкин. Ўтказилган тадбирлар акс эттирилган ва безатилган деворий газеталарни ҳам чиқариш мумкин.

Ахборот-кутубхона муассасаларининг ижтимоий тармоқлар (facebook, Instagram) ва мессенджер (Telegram)лардаги фаоллигини ҳисобга олган ҳол-



да клуб фаолияти мунтазам ёритиб турилса яхши натижка беради. Бу билан ахборот-кутубхона муассасаси фаолиятининг муайян йўналишларини ўзига хос тарзда ёритишига ва янги аъзоларни клубга жалб қилишга эришса бўлади. Клуб фаолияти тўғрисида статистик кўрсаткичлар ва таҳлилий маълумотлар ахборот-кутубхона муассасасининг йиллик иш режаси ва йиллик ҳисоботларида акс эттирилиши шарт.

Клуб ўз тадбирларини ўтказишида худуддаги вилоят, туман ҳокимликларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъуллари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят бўлимлари, мусиқа ва санъат мактаблари, ижодий жамоалар ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши фаолият самараదорлигини янада кучайтиради. Ўтказилган ва режалаштирилаётган тадбирлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар бериб борилиши ўз ўрнида реклама вазифасини бажаради.

Китоб барча даврларда ҳам инсоннинг қалбини ёритувчи нур, мозийни, аждодларимиз мерос қолдириб кетган маънавий бойликларни ўргатувчи бебаҳо манба ва ҳаёт мураббийси сифатида қадрланиб келинган. Шундай экан, шубҳасиз, ахборот-кутубхона муассасаларида ташкил қилинадиган “Китобхонлар клуби” фаолияти ҳам аҳолига, айниқса ёшларга китобнинг куч-кудрати ва уни ўқишнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш каби эзгу ишларга хизмат қиласи.



МУТАҲАССИС МАСЛАҲАТИ